

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

ЯРЛАҚАБОВ УМИРЗОҚ МАМАТҚУЛОВИЧ

**КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА
ТЕХНИК ФИКРЛАШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 37; 331. 86; 377 (077)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ярлакабов Умирзоқ Маматкулович

Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида техник фикрлаш
кўникмасини шакллантириш методикасини такомиллаштириш..... 3

Ярлакабов Умирзак Маматкулович

Совершенствование методики формирования умения технического
мышления в процессе подготовки преподавателей профессионального
образования..... 23

Yarlakabov Umirzak Mamatkulovich

Improvement of methods of formation of technical thinking skills in the
process of preparation of the future teachers of vocational education 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

ЯРЛАҚАБОВ УМИРЗОҚ МАМАТҚУЛОВИЧ

**КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА
ТЕХНИК ФИКРЛАШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Ped93 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Муслимов Нарзулло Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ғаффоров Алишер Холмуродович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped48.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат__даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871)246-92-17, факс: (99871)246-90-37, E-mail: moqt@markaz.uz).

Диссертация билан Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871)246-92-17, факс: (99871)246-90-37).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ кунни тарқатилди.

(2018 йил “___” _____даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

З.К.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда “Lifelong learning” таълим дастурлари бўйича мутахассисларнинг мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш муаммолари педагогика назарияси ва амалиётида долзарб ҳисобланади. ЮНЕСКО нинг таълим, фан ва маданият масалаларига оид “Техникавий ва касб-ҳунар таълими тўғрисида” ги Конвенциясига (Convention on Technical and Vocational Education) мувофиқ глобаллашув шароитида меҳнат бозори талаблари асосида таълим хизматларининг инновацион технологияларини яратиш ва амалиётга жорий этиш орқали таълим олувчиларнинг касбий фикрлаши ва ижодий яратувчанлик қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро педагогик амалиётда техника соҳасидаги таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда касбий ва шахсий муҳим сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган техникавий мультимедиали дастурлар муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан бугунги IV техник инқилоб (The Fourth Industrial Revolution) шароитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг малакавий тайёргарлик сифатларига қўйилаётган талабларнинг тез-тез ўзгариши натижасида уларда касбий мустақиллик ва техник фикрлаш кўникмалари муҳим ҳисобланади. Бунда уларнинг касбий мотивацияси, ташхислаш ва ихтирочилик, технологик хариталаш ва бошқариш, визуал моделлаштириш (Visual Simulation), ўз-ўзини фаоллаштириш, мобиллик, ижобий “Мен-Концепцияси” (I-conception), техник ахборотларни излаб топиш ва уларга ишлов бериш каби когнитив ва рефлексив қобилиятларини шакллантириш жараёнида замонавий дидактик воситалар ва электрон ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш интегратив техник билим ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз таълим тизимида компетенциявий талабларга жавоб берадиган мустақил ва эркин фикрлайдиган, илғор техник-технологик тажрибаларни пухта ўзлаштирган, рақобатбардош педагог кадрларни тайёрлаш тизими ислоҳ қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Шу сабабли бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг амалдаги методлари ва воситаларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ва 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 05 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтказилган илмий изланишлар ва тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, таниқли педагог олимлар илмий тадқиқотларида таълим жараёнини ташкил этишнинг ташкилий ва педагогик жиҳатлари ёритиб берилган. Касб таълими ўқитувчисининг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда уларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнининг ўқув-услубий таъминотини яратиш масалалари республикамиз олимлари Р.Ҳ.Жўраев, У.Н.Нишоналиев, А.Р.Ходжабаев, Ш.Э.Қурбанов, Ж.Ғ.Йўлдошев, У.И.Иноятов, Ҳ.Ғ.Рашидов, Н.А.Муслимов, З.К.Исмоилова, Қ.Т.Олимов, Ў.Қ.Толипов, Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова, Э.Т.Рўзиев, Т.Д. Исмоилов, Н.Н.Алимов, Ж.А.Ҳамидовлар, О.Х.Тўрақулов, О.А.Қўйсинаев ва А.А.Алимовларнинг ҳамда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан П.Р.Атутов, В.А.Скакун, С.Я.Батишев, В.А.Сластёнин, А.П.Беляева, Н.В.Кузьмина ва В.С.Ледневлар тадқиқотларида ўз аксини топган.

Фикрлашнинг умумий назарий масалалари Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейн, О.К.Тихомиров, П.Я.Гальперин, В.В.Давыдов, Н.Ф.Талызина, Д.Б.Эльконин, Т.В.Кудрявцев, Б.Ф.Ломов, Б.М.Теплов, В.Д.Шадриков ва бошқаларнинг илмий изланишларида тадқиқ қилинган.

Касбий фаолиятга тайёрлашда техник фикрлаш тузилмаси ва уни талабаларда шакллантириш усуллари ва методикаларига оид муаммолар С.М.Василейский, П.И.Иванова, В.В.Чебышева, Т.В.Кудрявцев, Э.Ф.Зеер, Г.С.Альтшуллер, И.С.Якиманский, М.В.Мухина, С.В.Планида, Ю.В.Худовшина, Ю.З.Гильбух, А.И.Воробьев, В.А.Алексеев ҳамда хорижий мамлакатларда М.А.Аrmstrong, Н.Eysenck, R.J.Sternberg, T.I.Lubart, E.P.Torrance каби амалиётчи олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш методини такомиллаштириш муаммоларини ҳал этиш борасида кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамай, уларда техник

фикрлаш кўникмаларини шакллантириш масалалари фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги замон шароитида техника фанлари методологияси нуқтаи назаридан етарлича тадқиқ этилмаган. Бу бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикасини такомиллаштириш заруратини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши касб-ҳунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁА-1-16 “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги раҳбар ҳамда педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича малакавий тайёргарлик даражасини квалиметрик баҳолаш” (2016-2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш масалалари ҳолатини танқидий таҳлил қилиш ва педагогик шарт-шароитларни ўрганиш;

умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикасини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик тузилмасини ишлаб чиқиш ва уни амалда жорий этиш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикасини такомиллаштиришнинг таълимий ахборот ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш;

касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасининг шаклланганлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонлари асосида тажриба-синов ишларини олиб бориш ва олинган натижаларга математик-статистик ишлов бериш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик, психологик ва касб-ҳунар таълими тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар (ДТС, малака талаблар, ўқув режалар ва дастурлар) ни қиёсий ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, моделлаштириш (лойиҳалаш), педагогик-ижтимоий (анкета-сўров, тест, суҳбат, кузатиш) ва тажриба-синов ишларини ўтказиш ҳамда натижаларни математик ва статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг малака талабларидан технологик билимларни ғоялар генератори ва аксланиш тамойиллари асосида синтезлаш орқали техник фикрлаш кўникмасининг ташкилий-тузилмавий компонентлари (мотивацион, образлилик, тезкорлик ва рефлексивлик) мазмуни такомил-лаштирилган;

умумкасбий фанларни ўқитишда “speed sketching”, “information failure” ва “time constraints” каби инвариант таълим методларини қўллаш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлашни шакллантириш имкониятлари (ташхислаш, хариталаш, ихтирочилик ва бошқариш) кенгайтирилган;

технологик ва креативлик қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган ностандарт техник масалалар ва Беннет тестини визуаллаштириш асосида виртуал лаборатория машғулотларини ишлаб чиқиш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси такомиллаштирилган;

техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришга имкон берувчи муаммоли топшириқлар тизими асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тайёргарлик даражалари сифат кўрсаткичлари (интегратив мулоқот, моделлаштириш ва амалий ечим топиш) ва баҳолаш мезонлари (когнитив, политехник ва фаолиятли) оптималлаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касб таълими йўналишлари ишчи ўқув режасининг қўшимча фанлари блокига “Ўқитувчининг техник фикрлаши” махсус курси киритилган ҳамда аудиториядан ташқари машғулотларда техник фикрлаш кўникмасининг шаклланганлик даражаларини аниқлашга имкон берувчи такомиллаштирилган Беннет тести ишлаб чиқилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган “Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси” номли методик қўлланма, “Иссиқлик техникаси” ва “Машина деталлари” ўқув курслари бўйича мультимедиали электрон ўқув қўлланма ҳамда “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани бўйича электрон ўқув қўлланма дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсдаги илмий конференция материаллари, илмий-методик таклифларнинг амалиётда татбиқ этилганлиги; тизимли ёндашувга оид ўқув материалларининг нашр этилганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи методларнинг қўлланилганлиги; олинган натижаларга математик-статистик қайта ишлов берилганлиги ва уларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларнинг аниқлаштирилганлиги; техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш

йўллари ва усуллари ҳақидаги қарашларнинг умумлаштирилганлиги ва тизимлаш-тирилганлиги; бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикасининг такомиллаштирилганлиги ва уни касбий таълим йўналишлари ўқув жараёнида жорий этиш механизмлари назарий жиҳатдан асосланганлиги; бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмаларини самарали шакллантиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, касб таълими йўналиши талабаларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришга имкон берувчи такомиллаштирилган методика ва фанлараро ўқув билиш топшириқларидан олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлашда, касб таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган замонавий талабларни бажаришда, касб таълимида ноанъанавий усулда машғулотларни ташкил этишда ҳамда касбий педагогик фаолиятни самарали ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ўқитишнинг ғоялар генератори ва аксланиш тамойиллари ҳамда малака талабларини интеграциялаш асосида техник фикрлаш кўникмасининг ташкилий-гузилмавий компонентлари мазмунига оид таклиф ва тавсиялар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августдаги 303-сонли буйруғи билан тасдиқланган 5111000-Касб таълими “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” бакалаврият йўналиши малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 апрелдаги 19-03-1558-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади;

олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи асосида такомиллаштирилган меъёрий ва услубий ҳужжатлар ҳамда замонавий ўқув адабиётларини яратиш ва таълим жараёнига жорий этишни амалга ошириш мақсадида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришга имкон берувчи технологик ностандарт топшириқлар тизими ва Беннет тестини визуаллаштириш асосида “Ўқитувчининг техник фикрлаши” номли виртуал лаборатория машғулотларини ўтказишга йўналтирилган ўқув-услубий таъминотига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 апрелдаги 19-03-1558-сонли маълумотномаси). Мазкур ўқув-услубий таъминотлар бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилган;

талабаларнинг технологик ҳамда креативлик қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган “speed sketching”, “information failure” ва “time constraints” каби инвариант таълим методлари мазмунини қамраб олувчи ўқув-услубий қўлланмалар мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 апрелдаги 19-03-1558-сонли маълумотномаси). Натижада ўқув-услубий таъминот касб таълими йўналишлари талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашда таълим жараёнининг ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари

2 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан 3 таси хорижий ва 8 таси республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети шакллантирилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришнинг назарий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак касб таълими ўқитувчиси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва касбий муҳим сифатлари таҳлил этилган. Бўлажак касб таълими ўқитувчиси касбий тайёргарлигининг ажралмас қисми сифатида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш муаммоси ёритилган ва илмий-педагогик асослари очиб берилган.

Олий таълим муассасаси касбий таълим йўналишларида тайёрланаётган касб таълими ўқитувчиси фаолиятини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, улар касбий фаолиятининг муҳим тавсифлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: техник йўналтирилганлик, мақсад ва вазифаларнинг амалий характерда эканлиги, ижодкорликнинг юқори даражаси, фан билан узвий ўзаро алоқа ва ижтимоий мўлжал олиш.

Касб таълими ўқитувчилари малака талаблари таҳлили уларнинг касбий фаолияти лойиҳаловчилик, ташкилотчилик, коммуникативлик, ахборотга эғалик, ривожлантирувчилик, йўналтирувчилик, тадқиқотчилик ва техник-технологик компонентлардан иборатлигини кўрсатди.

Ватанимиз ва хорижий мамлакатлар олимлари томонидан бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик асослари, педагогик шарт-шароитлари, замонавий касб таълими ўқитувчисига қўйилган талаблар ва ўқув жараёни сифатини оширишга қаратилган бир қанча илмий изланишлар олиб борилган. Бу тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, тўпланган тажрибалар, психологик-педагогик ва предметга оид билим, кўникма ва малакалар асосида техник фикрлаш кўникмасининг юқори даражасини эгаллаган ўқитувчигина ўз касбий фаолиятида оригинал ечим топишга, ўқитишнинг илғор метод ва шакллари танлаш ва амалда қўллашга, ўз касбий вазифаларини пухта бажаришга кодир ҳисобланади.

Техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш муаммосини ўрганишга бағишланган психологик-педагогик манбалар таҳлили, бу тушунчанинг моҳияти ва мазмунини аниқлашга турли хил ёндашувлар мавжудлигини, аммо ҳозирга қадар умумқабул қилинган таърифи йўқлигини кўрсатади. Лекин, барча ёндашувларда техник фикрлаш техник фаолиятда техник масалаларни ечиш жараёнида шаклланади ва ривожланади-деган умумий хулоса мавжуд.

Е.Е.Лысенконинг фикрича техник фикрлаш - исталган бошқа фикрлаш каби техник масалаларни ечиш жараёнида юзага келади. Бунда фикрлашнинг маълум бир йўналишлари устуворлик касб этади, шунингдек унинг компонентларининг маълум тузилмалаштирилиши юз беради.

Тадқиқотимиз мақсади ва вазифаларидан ҳамда қайд этилган умумий хулосадан келиб чиққан ҳолда, биз техник фикрлаш учун қуйидаги ишчи таърифни қабул қилдик.


Техник фикрлаш деганда касбий педагогик фаолиятга оид касбий техник масалаларни (қурилма ва жиҳозларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатишда юзага келадиган конструкторлик, технологик) ечишни таъминловчи интеллектуал жараёнлар ва улар натижаларининг мажмуаси тушунилади.

Техник фикрлаш муаммосини тадқиқ этишга оид манбаларнинг таҳлили бизга унинг қуйидаги хусусиятларини аниқлаш имконини берди: техник фикрлаш техник масалаларни ечиш ва тушунишда намоён бўлади; техник фикрлаш интегратив тузилмага эга; техник фикрлаш амалга ошириладиган фаолиятга мос билим ва кўникмалар тизими мавжудлигини тақозо этади; техник фикрлаш техник қобилиятнинг операционал қисми ҳисобланади.

Техник фикрлаш ҳам бошқа шаклдаги фикрлаш каби фикрлаш операциялари (таҳлил, синтез, умумлаштириш, таққослаш, абстракциялаш, таснифлаш ва бошқалар) ёрдамида шаклланади. Унинг ўзига хослиги шундаки, техник фаолиятда фикрлаш операциялари техник материаллар воситасида бажарилади.

Биз хорижий ва мамлакатимиз педагог олимларининг тадқиқот ишларини умумлаштириш асосида ҳамда техника оламидаги сўнгги йилларда рўй берган туб ўзгаришларни эътиборга олиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиси техник фикрлашининг интегратив тузилмаси компонентларини (мотивацион, тезкорлик, техника тилини билиш, тушунчавий, образли, амалий, рефлексив), уларнинг ўзаро боғлиқлигини, техник объектлар билан фикрий жараёнларни амалга оширишда уларнинг ҳар бирининг ролини аниқладик (1-расм).

Техник фикрлашнинг **мотивацион** компоненти инсоннинг техник фаолиятга фаоллиги ва эҳтиёжини, шунингдек техник фаолият соҳасига оид билим ва кўникмаларни эгаллашга эҳтиёжини аниқлайди ҳамда техника соҳасида билим олишга мотивация мавжудлигини тавсифлайди.



1-расм. Касб таълими ўқитувчиси техник фикрлашининг интегратив тузилмаси компоненти

Тезкорлик компоненти чекланган вақт мобайнида турли хил шароитда техник масалани ечиш жараёнида билимларни қўллаш кўникмасида намоён бўлади.

Техника тилини билиш компоненти схема ва чизмаларни мавжуд деталлар ва аппаратлар билан мослаштириш кўникмасини ўз ичига олади.

Тушунчавий компоненти талабалар томонидан умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича билимларни ўзлаштириш жараёнида шаклланади ва техник тушунчалар, яъни схемалардаги шартли белгилар, махсус тушунчалар, турли схема ва чизмалардаги шартли график-ҳарфли белгиларни билиш ва тушунишни таъминлайди.

Образли компонент техник объектларнинг намуналари (образлар) билан ишлаш жараёнида шаклланади.

Амалий компоненти техник масалаларни ечиш жараёнини амалга ошириш ҳамда назарий ечимни амалий синаб кўриш имконини берувчи кўникма ва малакалар мажмуасини ўз ичига олади.

Рефлексив компоненти (лотинча reflexo - ортга қараш) фикр юритишни, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва англашни, инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг қоидаларини англашни, субъект томонидан ички психологик актлар ва ҳолатларни англашни назарда тутди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисида техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришда қуйидаги тасаввурларга таянилди: техник фикрлаш мураккаб жараён бўлиб, ўз ичига турли фан мазмунини қамраб оладиган техник тушунчаларга таянишни тақозо этади; унда тушунча ва ҳаракат ўртасидаги узвий алоқа муҳим ҳисобланади, яъни у назарий-амалий характер кашф этади ёки техник фаолият жараёнининг ўзи назарий ва амалий компонентларнинг ўзаро таъсирлашув жараёни ҳисобланади. Шунинг учун назарий ва амалий билимлар ҳамда ҳаракатлар ўртасидаги ўзаро таъсирлашув ва ўзаро алоқанинг доимий динамикаси муҳим ҳисобланади; техник материал кўрғазмали-образли ва абстракт тушунчали шаклда тақдим этилади ҳамда техник фикрлашнинг муҳим сифатини ташкил этади.

Техник фикрлаш кўникмасини тизимли таҳлил этиш ўқув жараёнида ташхислаш мумкин бўлган унинг қуйидаги сифатларини аниқлаш имконини берди: эгилувчанлик, тезкорлик, мажмуавийлик, тизимлилик, интегративлик, дивергентлилик, рационаллик, танқидийлик ва мобиллик.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси**” деб номланган бўлиб, унда бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш жараёнини моделлаштириш ва шакллантириш методикасини такомиллаштириш ҳамда унинг шаклланганлик даражаларини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари, умумқасбий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларда техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш усули баён этилган.

Фикрлаш психик жараён сифатида фақат муаммоли вазиятларда, яъни янги мураккаб материалларни ўрганиш ва масалаларни ечиш жараёнида шаклланади. Шунинг учун ҳам бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришда асосий дидактик восита бўлиб фикрлаш операциялари (таҳлил, синтез, таснифлаш, умумлаштириш) талаб этиладиган турли хил мазмундаги техник масалалар хизмат қилди.

Тадқиқотда техник фикрлаш кўникмасининг барча компонентлари ва сифатларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда техник билимлар ва интеллектуал кўникмаларни эгаллашда уларнинг барқарор бирлигидан келиб чиққан ҳолда талабаларда техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш усуллари тизими ишлаб чиқилди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш моделини ишлаб чиқишда педагогик жараённинг анъанавий тузилмаси, яъни унинг мақсад, мазмун, жараён ва натижа-баҳолаш каби компонентлар тўғрисидаги мавжуд тасаввурлардан фойдаланилди (2-расм).


Умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси тузилмаси компонентларининг мазмун-моҳияти аниқлаштирилди.

Техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришнинг мақсад компоненти: техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришдан мақсад, биринчидан, унинг касб таълими ўқитувчисини тайёрлашни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларда аниқ ифодаланиши, иккинчидан, олий таълим муассасалари раҳбарияти томонидан ўрганилиши, учинчидан уни барча ўқув фанлари ўқитувчилари яхши билиши керак.

Белгиланган мақсадни амалга оширишда ҳар бир ўқитувчи ўзининг ўқув фанини ўқитиш жараёнида техник фикрлаш кўникмасининг шаклланишини таъминлашни билиши билан бирга, унинг тузилмаси тўғрисидаги тасаввурлар ва ўқитилаётган фаннинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, уни ҳар бир машғулот учун аниқлаштириши (яъни хусусий мақсадларни ифодалаш) керак. Мақсадларни аниқ билиш ўқитувчиларга уларга эришиш воситаларини онгли равишда танлашга имкон беради.

Техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришнинг мазмун компоненти: техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришга имкон берувчи ўқув фанлари мазмунини такомиллаштириш, мазмуннинг мувофиқлашган ва синхронлашган тизимини яратиш; техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришни фаоллаштирувчи ўқув фанлари учун фанлараро алоқадорлик тизимини ишлаб чиқиш; “Ўқитувчининг техник фикрлаши” номли махсус курсни ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига киритишни кўзда тутати. Ушбу компонентда умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмаси таркибий қисмларини шакллантиришнинг қуйидаги босқичлари кўзда тутилган: мотивацион; технологик; баҳолаш. Мотивацион босқичнинг мақсади техник фикрлаш кўникмасининг мотивацион компонентини шакллантиришдан иборат. Технологик босқичнинг мақсади эса умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўрганиш жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасининг тушунчавий, образли, амалий, техника тилини билиш, тезкорлик компонентларини шакллантиришдан иборат.

Техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришнинг процессуал компоненти: 1) маъруза машғулоти учун: ўқув материални баён этишнинг муаммоли вариантларини ишлаб чиқиш; назарий материалларни турли хил кўринишдаги образлар билан тўлдириш, ҳаракатларни образлар орқали талабаларга намойиш этиш; 2) амалий машғулот учун техник фикрлашнинг сифатларига (тезкорлик, интегративлик, ижодкорлик даражаси ва рефлексивлик) мос ҳолда унинг ақлий фаолиятини шакллантиришга имкон берувчи мураккаблашиб боровчи масалалар тизимини ишлаб чиқиш; кичик лойиҳалар учун топшириқлар ишлаб чиқиш; 3) лаборатория-амалий машғулот учун техник фикрлашда амалий ҳаракатларни такомиллаштириш учун топшириқлар ишлаб чиқиш; тузилмавий-манتيқий схемага ёки уни тузишга оид топшириқларга таянган ҳолда назарий материалларни мустақил ўрганиш учун топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш; мустақил иш учун амалий



2-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш жараёни модели

топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш; касб таълими йўналишлари битирувчиларининг ижодий, тезкор ва интегратив техник фикрлашини фаоллаштирувчи топшириқлар ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришнинг натижа-баҳолаш компоненти: ҳар бир ўқув предмети бўйича техник фикрлаш кўникмасининг компонентларини фаоллаштирувчи билим ва кўникмаларнинг тўла рўйхатини тузиш; техник фикрлаш кўникмаси шаклланганлигини аниқлаш кўрсаткичлари ва мезонларини ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини компонентларини шакллантиришда ўргатувчи-ташхисловчи характердаги топшириқлар тизими муҳим аҳамиятга эга эканлиги асосланди ва “Машина ва механизмлар назарияси” ҳамда “Автомобиллар тузилиши” фанлари бўйича қуйидаги тамойилларни қаноатлантирувчи топшириқлар тизими ишлаб чиқилди: 1) масаланинг мураккаблигини қадамма-қадам ошириш; 2) техник фикрлаш кўникмасининг барча компонентларини шакллантириш; 3) техниканинг замонавий муаммосига йўналганлиги; 4) техник билимларнинг методологик хусусиятини эътиборга олиш тамойили.

Б.Блум таксомониясига таянган ҳолда, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмаси шаклланганлигини аниқлаш кўрсаткичлари аниқланди. Бу кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, биз техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришнинг қуйидаги уч даражасини аниқладик.

Паст даражадаги техник фикрлаш кўникмасига эга талабалар амалий топшириқларни бажариш жараёнида катта қийинчиликларга дуч келади, уларни фақат эмпирик даражада еча билади; содда механизмларнинг ишлаш тамойилларини қийинчилик билан тушунтиради; маълумотларни тизимлаштириш ва ташкил этувчиларга ажратиш қобилиятига эга эмас.

Ўрта даражага эга талабалар асосий механизмларнинг тузилиши ва ишлаш тамойилларини, асосий техник атамаларни ва шартли белгиларни яхши билади ҳамда реал муаммоларни ҳал қилишда билим ва кўникмаларни қўллай олади.

Юқори даражага эга талабалар ўзгарувчан шароитда техник объектлар таркиби, тузилиши, қурилмаси ва ишлаш тамойилларини таҳлил эта олади, масаладаги янгиликни аниқлайди ва ўз ҳаракатларини, олинган натижаларни асослайди ва хулоса чиқаради.

Умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларда бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг фаоллигини ошириш ва техник билимларни фикрлаш орқали ўзлаштиришларини таъминлаш мақсадида мультимедиавий дарс ишланмаларини ўз ичига олган электрон ўқув қўлланма яратилган. Мультимедиавий дарс ишланмаларидаги техник масалалар талабаларни техник фикрлаш, изланиш ва хулоса чиқаришга ўргатади, техника фанларига бўлган қизиқишларини оширади.

“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари

натижалари” деб номланган учинчи бобда бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикасини такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкиш этиш ва ўтказиш, олинган натижаларнинг таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишлари 2014-2017 йиллар мобайнида уч, яъни таъкидловчи (2014- 2015 йй.), шакллантирувчи (2015-2016 йй.) ва яқунловчи (2016 - 2017 йй.) босқичларда Жиззах политехника институти, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти ва Бухора муҳандислик-технология институти касб таълими йўналишларида олиб борилди. Тажриба-синов ишида жами 425 нафар талаба иштирок этди. Шундан назорат гуруҳида 210 нафар тажриба гуруҳида 215 нафар талаба иштирок этди.

Тажриба-синов ишининг биринчи босқичининг асосий масалалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланди: 1) бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмаси шаклланишининг дастлабки даражасини аниқлаш; 2) бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмаси шаклланганлик даражасининг техник билимларни ўзлаштиришига таъсирини аниқлаш.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмаси шаклланганлигининг дастлабки даражасини аниқлаш учун Беннет тести мажмуасидан фойдаланилди. Олинган натижалар таҳлили, тажриба-синовда иштирок этган талабаларнинг 57% ўртачадан паст даражадаги техник фикрлаш кўникмасига эга эканлигини кўрсатди. Ушбу хулосалардан келиб чиққан ҳолда, тажриба-синов ишининг иккинчи босқичи вазифаларига тузатишлар киритилди.

Беннет тести техник фикрлаш кўникмасининг алоҳида компонентининг шаклланиш динамикасини кузатишга имкон бермаслиги аниқланди. Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида етарли даражада шаклланмаган техник фикрлаш кўникмаси компонентларини аниқлашга имкон берувчи турли хил мураккабликдаги топшириқлар мажмуасини ўз ичига олган махсус ўргатувчи-ташхисловчи топшириқлар тизими ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичининг асосий вазифаси бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган махсус топшириқлар тизимини синовдан ўтказишдан иборат эди.

Топшириқлар тизимини ўқув жараёнига киритиш методикаси лаборатория-амалий машғулотлар доирасида жорий этилди. Чунки, касб таълими йўналишилари ўқув режалари таҳлили шуни кўрсатдики, “Машина ва механизмлар назарияси” ҳамда “Автомобиллар тузилиши” фанлари бўйича режалаштирилган аудитория ўқув соатларининг 50% дан кўпроғи лаборатория-амалий машғулотларига ажратилган. Бу эса мавжуд ўқитиш дастурларини ўзгартирмасдан ўргатувчи-ташхисловчи топшириқлардан фаол фойдаланишга имкон беради. Лаборатория-амалий машғулоти қуйидаги босқичларда амалга оширилди: янги материални тушуниш; амалий ишлар; рефлексив-баҳолаш.

Машғулотнинг биринчи босқичида талабаларга билиш фаолиятини фаоллаштирувчи қуйидаги масалалар тақдим этилади: техник объектлар ва қурилмалар ҳаракатининг тамойилларини кинематик схема (техник расмларни ўқишга оид схемалар) бўйича тушунтириш ва вазифаларни аниқлаш; конструкцияларни таҳлил этиш (объектларнинг конструктив элементларини қайд этиш, уларнинг номлари ва вазифаларини аниқлаш; техник объектларнинг конструкцияларини асослаш, ишчи деталлар ва материалларини аниқлаш. Машғулотнинг иккинчи босқичида ўзлаштирилган назарий билимларни талабалар амалиётга қўлади. Бу босқич масалалари катта амалий йўналганлик билан фарқланди. Машғулотнинг учинчи босқичида техник фикрлаш кўникмаси шаклланганлиги даражасини баҳолаш учун қийинчилиги турлича бўлган масалалар қўлланилди.

Тажриба-синов ишининг учинчи босқичида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида техник фикрлаш кўникмасининг шаклланганлиги даражасини ташхислаш нафақат Беннет тести ёрдамида, балки ўргатувчи-ташхисловчи топшириқлар ёрдамида амалга оширилди.


